



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 27 август, № 176 (9071)


Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗАРО ДЎСТЛИК ВА КЎП ҚИРРАЛИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Иордания Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайн 25-26 август кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.



Иордания Яқин Шарқ минтақасида жойлашган, 12 та худуддан иборат давлат. 11,7 миллион аҳоли истиқомат қилади. Жаҳон банкининг расмий маълумотларига кўра, 2024 йилда Иорданиянинг ялпи ички маҳсулоти 53,3 миллиард долларни, аҳоли жон бошига 4700 долларни ташкил қилган. Ташқи савдо айланмаси 37,1 миллиард доллардан ошади. Иордания, асосан, фосфатлар, тайёр кийим-кечаклар, тўқимачилик ва кимё саноати маҳсулотлари экспорт қилади. Фосфатлар бўйича жаҳондаги етакчи экспортёрлардан бири, бу минераллар, асосан, ўғит ва кимёвий моддалар сифатида экспорт қилинади. Иорданиянинг тўқимачилик саноати маҳсулотларининг катта қисми АҚШ ва Европа Иттифоқига йўналтирилган. Иордания иқтисодиёти, асосан,

хизматлар соҳасига асосланган бўлиб, ялпи ички маҳсулотининг 75,5 фоизини ташкил этади. Саноатнинг ҳиссаси 19,6 фоиз, қишлоқ хўжалигиники эса 4,9 фоиз.

Туризм миллий даромаднинг муҳим қисми ҳисобланади. Иорданияда табиий ресурслар, хусусан, нефть ва газ захиралари кам. Давлат фосфат, калийдан тайёр маҳсулотлар ва кимёвий моддалар экспортига таянади.

Халқаро молиявий ёрдам Иордания иқтисодиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Мамлакат Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва Кўрфаз мамлакатлари каби до-норлардан ёрдам олади. Ушбу ҳамкорликлар, шунингдек, иқтисодиётнинг диверсификация қилиш ва инфраструктурани модернизация қилиш бўйича олиб борилган саъй-ҳара-

катлар билан бирга, Иорданияга қийин геосийсий ва иқтисодий шароитда барқарорликни сақлаб қолишга ёрдам бермоқда.

Иқтисодий эркинлик индекси бўйича жаҳон рейтингига Иордания 69-ўрин, минтақавий рейтингда эса 6-ўринни эгаллайди. Ишбилармонлик муҳити бўйича жаҳон рейтингда Подшоҳлик 65-ўринда туради.

Иордания дунёдаги энг йирик фосфат ишлаб чиқарувчилардан бири ҳисобланади ва бу борада “ТОП — 5” таликка киради, унинг тасдиқланган захиралари 1,5 миллиард тоннадан ошади. 2024 йилда барча конларда куруқ фосфатнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажми 11,5 миллион тоннага етган.

Ўзбекистон 1993 йилда Иордания билан дипломатик муносабатлар ўрнатган ва ҳамкорлик қилиб кела-

ди. Давлатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2024 йилда қарийб 4,6 миллион долларни ташкил этди ва жорий йилнинг биринчи ярмида эса бу кўрсаткич 4,3 миллион долларга етди. Томонлар товар айирбошлаш ҳажмини бир неча қарра ошириш имкониятига эга ва бундан самарали фойдаланилмоқда.

25 август куни Самарқанд шаҳри аэропортида Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайнни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Икки давлат раҳбарлари Самарқанд шаҳрининг улуғвор тарихий обидалари, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 26 август куни Самарқанд шаҳридаги Конгресс марказида ўтказилди.

Дастлаб, Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайнни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Конгресс маркази биноси олдидаги майдонда фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон Президенти олий мартабали меҳмонни самимий қарши олиб, шохсупага таклиф қилди.

Ҳарбий оркестр икки мамлакат давлат мадҳияларини ижро этди.

Ўзбекистон Президенти ва Иордания Подшоҳи фахрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегация аъзоларини қутладилар.

Музокаралар олдида, давлат ташрифи дастури доирасида Иордания Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайн Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси билан танишди.

Конгресс марказида хорижий бозорлар учун халқаро стандартларга жавоб берадиган кенг турдаги юқори сифатли маҳсулотлар кўргазмага қўйилган.

Олий мартабали меҳмонга тоғ-кон, фармацевтика, кимё, тўқимачилик, заргарлик саноати, қишлоқ

хўжалиги ва ахборот технологиялари каби соҳалардаги технологик босқичлар, ишлаб чиқариш қувватлари, инновациялар ва қўлланилаётган энг илғор ускуналар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Экспозициядан юқори қўшилган қийматга эга тайёр саноат маҳсулотлари намуналари: дори воситалари, тиббий асбоб-ускуналар, минерал ўғитлар, тўқимачилик, трикотаж ва заргарлик буюмлари, хунармандчилик маҳсулотлари, IT ечимлари ва бошқалар ўрин олган.

Иордания етакчиси Ўзбекистон маҳсулотлари ва саноат салоҳиятини юксак баҳолади. Давлат раҳбарлари етакчи корхоналар кооперациясини кенгайтириш, ўзаро таъриб алмашиш ва технологиялар трансферини амалга ошириш муҳимлигини таъкидладилар.

Шундан сўнг Конгресс марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайннинг музокаралари бўлиб ўтди.

Сиёсий мулоқот ва маданий-гуманитар алмашинуви янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув аввалида Иордания Подшоҳи давлатимиз раҳбарига ташриф билан келишга таклиф қилгани ҳамда Иордания делегациясига кўрсатилаётган илқ ва самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

Дипломатик муносабатлар тарихидаги илк олий даражадаги ташриф икки томонлама ҳамкорликда янги босқични бошлаб бериши ва уни кенг қамровли шериклик даражасига кўтаришга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон ва Иордания ўртасидаги анъанавий дўстлик ва кўп қиррали амалий ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётгани, икки мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар стратегиялари ўхшашлиги қайд этилди.

Етакчилар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислон ҳамкорлик таш-

килоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида самарали ҳамкорлик олиб борилаётганини мамнуният билан қайд этиб, ташаббусларни ўзаро қўллаб-қувватлашни фаол давом эттириш зарурлигини таъкидладилар.

Давлатлар ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги конструктив мулоқотни ва идоралар ўртасидаги яқин алоқаларни давом эттириш зарурлиги қайд этилди.

Икки томонлама савдо кўрсаткичларини қаррасига ошириш, қўшма инвестиция лойиҳалари ва савдо шартномаларини амалга оширишга тайёрлик тасдиқланди.

Кимё ва тўқимачилик саноати, «ақлли» қишлоқ хўжалиги, геология, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, туризм ва бошқа тармоқларда кооперацияни кенгайтиришга келишиб олинди.

Хукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгашини ишга тушириб, жорий йил якунигача уларнинг илк йиғилишларини ўтказиш таклифи билдирилди. Икки мамлакатнинг етакчи компания ва ишлаб чиқарувчилари иштирокида Ўзбекистон — Иордания бизнес форумининг ўтказилиши ишбилармон доиралар ўртасида узоқ муддатли шериклик алоқаларини ўрнатишга хизмат қилади.

Маданий, таълим ва туризм соҳаларидаги алмашинувларни, шу жумладан, қўшма маданият ҳафталиклари, концертлар, экспозиция ва кўргазмалар ўтказиш орқали янада фаоллаштиришга тайёрлик билдирилди.

Ўзбекистон ва Иордания халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари узоқ тарихга эга бўлиб, бугунги кунда янги босқичга кўтарилмоқда. Шу нуктаи назардан, умумий маънавий меросни биргаликда ўрганиш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, икки мамлакат иқтисодиётлик марказлари ва институтлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Дунё нигоҳи

ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАГАН ДИПЛОМАТИЯ

Хорижий экспертлар олий даражадаги биринчи Ўзбекистон — Иордания саммити якунлари ҳақида

Антонио АЛОНСО, Сан-Пабло университети профессори, Марказий Осиё минтақаси бўйича мутахассис (Испания):

— Иордания Подшоҳининг Ўзбекистонга тарихий ташрифи ва Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар Президент Шавкат Мирзиёевнинг халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, мамлакатининг жаҳон миқёсидаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган самарали ташқи сиёсатининг ёрқин тасдиғи бўлди. Ўзбекистон етакчиси раҳнаомлигида конструктив, очиқ ва ишончли мулоқот

таъминланди, унинг натижасида иқтисодиёт ҳамда сармоядан тортиб, фан, таълим ва туризмга бўлган асосий йўналишларни қамраб олган икки томонлама 15 та ҳужжат имзоланди. Икки давлат ўртасидаги муносабатлар тарихида илк бор виза тартибини бекор қилиш ва мунтазам авиақатновларни йўлга қўйиш бўйича келишувга эришилди, бу эса ишбилармонлик ва маданий алоқалар учун янги уфқларни очди.

Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва химоя қилиш тўғрисидаги битим, шунингдек, амалий ҳамкорликнинг кучли механизмларига айланади-

ган қўшма комиссия ва Ишбилармонлар кенгашини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Томонлар саноат, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, геология, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларни фаол амалга оширишга тайёр экани алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, Президент Шавкат Мирзиёев нафақат иқтисодий, балки гуманитар соҳага ҳам эътибор қаратиб, маданий-маърифий ва илмий алмашинувларни, иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштиришни илгари сурди.



ЯПОНИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ САМАРҚАНДГА КЕЛДИ

Расмий ташриф билан юртимизга келган Япония ташқи ишлар вазири Такеши Ивая бошчилигидаги делегация 26 август куни Самарқанд шаҳрида бўлди.

Меҳмонларни Самарқанд халқаро аэропортида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири ўринбосари Б. Усмонов ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги масъулари кутиб олди.

Япониялик дипломат дастлаб “SamAuto” заводиди бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишди. Мазкур корхонада 2007 йилдан буён “ISUZU Motors Ltd” компанияси ва “Itocchu” корпорацияси билан ҳамкорликда “ISUZU” шассиси асосида автобуслар ва юк машиналари, махсус техникалар ишлаб чиқарилмоқда. Замо-

навий, халқаро стандартларга жавоб берадиган мазкур техника воситалари ички бозор билан бирга хорижга экспорт қилинади.

Шундан сўнг делегация Самарқанд туманидаги “Бобур агро инновация” фермер хўжалигида бўлди. Бу ерда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) кўмағида ушбу давлатдан келтирилган олма навлари парваришланмоқда.

Такеши Ивая фермер билан суҳбат чоғида хўжаликда олма ва узум етиштиришнинг ўзига хос томонлари,

қўлланилаётган инновацион услублар билан қизиқди. Маҳаллий ва хориждан келтирилган олма навларининг об-хаво шароитига мослашувчанлиги ва касалликларга чидамлилиги, сифати, хари-дортирилгига эътибор қаратилди.

Япония ташқи ишлар вазири Самарқанддаги тарихий-маданий ёдгорликларда ҳам бўлиб, халқимизнинг бой тарихи ва маданияти, аждодларимизнинг бунёдкорлик салоҳияти ҳақида маълумотларга эга бўлди.

Ғолиб ҲАСАНОВ, Ўза мухбири.

Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

ИСТИҚЛОЛ – ЮКСАК МАРРАЛАР, БУЮК МАҚСАДЛАР САРИ ИЛҲОМЛАНТИРУВЧИ КУЧ

Танзила НОРБОЕВА, Олий Мажлис Сенати Раиси

Барчамиз энг улуг, энг азиз байрамимизни ҳар йилгидан-да кўтаринки руҳда нишонлаш тадориғидамиз. Эл-юртимиз учун кадр-киммат чексиз, аҳамияти улуг, бебаҳо неъмат бўлган мустақиллик тантаналарини меҳнат ютуқлари, ўзига хос тўхталар, улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик билан нишонлаш эзгу анъанага айланган. Беадад шукри, мустақиллигимизнинг 34 йиллиги ҳам кўпдан-кўп хушхабарлар, янгиликлар, беқиёс ўзгаришлар билан қўллан-қўлланмоқда. Янги Ўзбекистоннинг бугунги жадал тараққиёти, жаҳон майдонидаги тобора ортиб бораётган обрў-эътибори янада юксак пардаларда тараннум этилмоқда.

Шиддатли ислохотларнинг янги тўлқини

Инсоннинг эртанги кунга бўлган ишончи, қувончу ширин ташвишлари, интилишлари замирида аслида Ватанга бўлган муҳаббат ётади. Дуоларимизнинг ҳар бирида бежизга “Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин”, деб айтмаймиз-да. Чунки Ватан — бу ота юрт, аждодлар мероси, ота-онанг излари қолган кўчалар, илк баҳорни таниган, варрак учирган кенгликларинг...

Ватан — бу миллийлик, ўзлик, маънавий ва хотираларнинг жамламасидир. Шу сабабли ҳам ҳар бир инсон учун она Ватанинг эр-

кинлиги ва ободлиги энг олий қадриятдир.

Мустақиллик, аввало, халқимизни ана шу бахтга муяссар этди. У бизга ўзимиз хоҳлагандек адолатли, демократик, инсонпарвар жамият қуриш, ўз миллий давлатчилигимизни ривожлантиришга имконият яратди.

Яна саноқли кунлардан кейин ана шу қўтлуг сананинг 34 йиллигини улкан шодиёна сифатида кенг нишонлаймиз. Байрам арафасида босиб ўтган йўлимиз, амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилиб, бугунги ютуқ ва марраларни кўз ўнгимиздан ўтказишимиз табиий.

“Янги Ўзбекистон” иборасини эшитганда, энг аввало, янгича

иқтисодий муносабатлар, янгича иқтисодий дунёқараш, янгича иқтисодий дипломатия, янги ютуқлар кўз олдимизда гавдаланади. Кейинги бир неча йилда мамлакатда қанча ўзгариш, янгиланиш бўлгани ҳақида соатлаб, ҳатто кунлаб гапириш мумкин.

Узоққа бормайлик, бундан 7-8 йил олдинги ҳолатни кўз олдингизга келтиринг: одамларимизни хорижий валюталарни сотиб олиш, инвестицион муҳитнинг яхши эмаслиги, фуқароликка эга бўлиш, киши ўзи хоҳлаган худуддан уй-жой ва мол-мулк сотиб олиш ҳукуқи ҳамда пойтахтга рўйхатга қўйиш билан боғлиқ қатор муаммолар йиллар давомида қийнаб келгани рост.

Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар туфайли бугун фуқароларнинг бу борадаги муаммоларига барҳам берилди, ташвишлари ариди.

Яқин ўтмишга мамлакатимиз иқтисодиёти, асосан, ҳомашё савдосига боғлиқ қолган эди. Бугун эса юқори технологияли саноат, замонавий аграр тармоқ, хизмат кўрсатиш каби соҳалар иқтисодиётнинг асосий драйверлари айланди, ахборот техноло-гиялари соҳаси жадаллик билан ривожланмоқда.



ЎЗАРО ДЎСТЛИК ВА КЎП ҚИРРАЛИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

1 Томонлар бағрикенг ва маърифатли ислом ғояларини биргаликда илгари суриш зарурлиги ҳақида ақидил фикрга келдилар. Давлатимиз раҳбари Подшоҳ Абдулла II томонидан бундан ўн йил олдин бошланган «Ақаба жараёни» ташаббусини юқори баҳолаб, ушбу муҳим ташаббуснинг навбатдаги йиғилишларидаан бирини Самарқанд шаҳрида ўтказишни таклиф этди.

Икки мамлакат пойтахтлари ўртасида мунтазам авиақатновларнинг йўлга қўйилиши ва визасиз режим жорий қилиниши ишбилармонлик алоқалари ва ўзаро сайёҳлар оқимининг кўпайишига хизмат қилиши таъкидланди.

Глобал ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Музокаралар якунида Подшоҳ Абдулла II ибн ал-Хусайн давлатимиз раҳбарини Иорданиянинг таърифи билан боришга таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайн Шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш тўғрисида қўшма баёнот қабул қилдилар.

Умуман, ташриф доирасида 15 та икки томонлама ҳужжат имзоланди, жумладан:

- экстрадиция тўғрисида битим;
- инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида битим;
- қўшма комиссия тузиш тўғрисида битим;
- виза талабларини бекор қилиш тўғрисида битим;
- олий таълим ва илмий тадқиқотлар соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим;
- туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим;
- ҳаво катнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида баённома;
- товарлар ва транспорт воситалари ҳаракати тўғрисидаги дастлабки маълумотларни онлайн алмашиш тўғрисида баённома;

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайннинг давлат ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси.

Иордания Подшоҳининг давлат ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Иорданиянинг «Ан-Нахда» («Ренессанс») ордени билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу мамлакатнинг олий мукофоти давлатимиз раҳбарига Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайннинг давлат ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси.

Иордания Подшоҳининг давлат ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Иорданиянинг «Ан-Нахда» («Ренессанс») ордени билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу мамлакатнинг олий мукофоти давлатимиз раҳбарига Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайннинг давлат ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси.

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайннинг давлат ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси.

Иордания Подшоҳининг давлат ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Иорданиянинг «Ан-Нахда» («Ренессанс») ордени билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу мамлакатнинг олий мукофоти давлатимиз раҳбарига Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайннинг давлат ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси.

Иордания Подшоҳининг давлат ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Иорданиянинг «Ан-Нахда» («Ренессанс») ордени билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу мамлакатнинг олий мукофоти давлатимиз раҳбарига Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайннинг давлат ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
Икром АБВАЛБЕКОВ,
Ўза махсус мухбирлари.

Акс садо

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИККА ҚЎЙИЛГАН ҚАДАМ

Самарқанд шаҳри тарихий дипломатик воқеага гувоҳ бўлмоқда — Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тақлифига биноан Иордания Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайн мамлакатимизга ташриф буюрди. Бу ташриф икки давлат ўртасида ўрнатилган дипломатик алоқалар тарихида илк олий даражадаги учрашув сифатида қайд этилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Иордания ўртасида дипломатик муносабатлар 1993 йилда ўрнатилган бўлиб, мазкур ташриф икки давлат муносабатлари тарихида Иордания Подшоҳлиги раҳбарининг мамлакатимизга илк давлат ташрифи сифатида тарихга кирди.

Самарқандда ўтказилган тантанали кутиб олиш маросими ўзаро ишонч ва ҳурматнинг юксак даражасини кўрсатди. Подшонинг қадимий Самарқанднинг бой маданий мероси билан танишиши эса халқларимизнинг маънавий яқинлиги ва умумий қадриятларини рамзий тарзда ифодалади.

САМАРАСИ БЕҚИЁС ТАШРИФ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайн ўртасидаги музокараларда сиёсий мулоқотни янада кучайтириш, маданий-гуманитар алмашинувни бойитиш ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга доир масалалар кўриб чиқилди. Икки мамлакат раҳбарлари БМТ, Ислон ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасидаги фаол шерикликни алоҳида таъкидлаб, ташаббусларни ўзаро қўллаб-қувватлашга келишиб олди.

Ташриф доирасида қатор амалий йўналишлар бўйича келишувларга ҳам эришилди. Кимё ва тўқимачилик тармоқлари, «ақлли» қишлоқ хўжалиги, геология, фармацевтика ҳамда соғлиқни сақлаш, шунингдек, туризм соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш режаси белгиланди.

Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгаши фаолиятини йўлга қўйиш, йил якунига қадар уларнинг илк йиғилишларини ўтказиш ҳамда Ўзбекистон — Иордания бизнес форумини ташкил этиш орқали узоқ муддатли ҳамкорлик пойдевори мустаҳкамланади.

Маданий, таълим ва туризм йўналишларида қўшма тадбирлар — маданий ҳафталар, кўргазмалар, концертлар ва экспозициялар ўтказиш орқали халқлар ўртасидаги дўстлик ришталари янада мустаҳкамланиши кўзда тутилган.

Шу билан бирга, ислоншунослик марказлари ва илмий муассасалар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, маърифатли ислом ғояларини тарғиб қилиш бўйича ҳам келишувга эришилди. Президент Ш. Мирзиёев «Ақаба жараёни» ташаббусини юқори баҳолаб, унинг навбатдаги йиғилишларидан бирини Самарқандда ўтказиш таклифини билдирди.

Ташрифнинг амалий самараси сифатида 15 та муҳим ҳужжат имзоланди. Улар экстрадиция, инвестицияларни ҳимоя қилиш, виза талабларини бекор қилиш, олий таълим ва илмий тадқиқотлар, туризм, қишлоқ хўжалиги, ветеринария, стандартлаштириш ҳамда дин ишлари соҳаларидаги келишувларни ўз ичига олади. Бу келишувлар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни институционал асосда янги босқичга олиб чиқади.

Ишбилармонлик алоқаларини кучайтириш мақсадида пойтахтлар ўртасида мунтазам авиақатновларни йўлга қўйиш ва визасиз режим жорий этиш имкониятлари ҳам муҳокама қилинди. Бу орқали ўзаро савдо ҳажмини ошириш ҳамда сайёҳлар оқимини кўпайтириш режалаштирилган.

Бу ташриф икки мамлакат муносабатларини ҳар томонлама ривожлантиришда янги саҳифа очди. Музокаралар чоғида эришилган келишувлар сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни стратегик шериклик даражасига олиб чиқишга хизмат қилади.

Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.

яниги, стратегик босқичга кўтаришга келишиб олди. Сиёсий мулоқотни кенгайтириш, савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, маданий-гуманитар алмашинувни ривожлантириш ва инвестициявий шерикликни фаоллаштириш бўйича келишувга эришилди. Имзоланган икки томонлама ҳужжатлар ҳуқуқий ёрдам, таълим ва фан, туризм, қишлоқ хўжалиги, ветеринария ҳамда стандартлаштириш каби муҳим йўналишларни қамраб олди, бу эса келгуси амалий ҳамкорлик учун мустаҳкам асос яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Иордания Подшоҳлигининг энг олий мукофоти — «Ан-Нахда» ордени билан тақдирланганини

алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу нафақат давлатимиз раҳбарининг хизматларига берилган юксак баҳонинг ифодаси, балки халқларимизнинг дўстлиги, ҳурмати ва ишончининг тимсоли ҳисобланади.

Ишонч билан айтиш мумкинки, Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайннинг ташрифи ўзбек — иордан муносабатлари тараққиётда янги босқични бошлаб берди ҳамда ўзаро ҳурмат ва стратегик шериклик руҳида ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга кучли туртки берди.

Баҳром АБДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайннинг мамлакатимизга ташрифи икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга.

ЯНГИ ТАШАБУСЛАР


Хусусан, ташриф доирасида икки давлат раҳбарлари ҳамроҳлигида маҳаллий саноат маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди. Подшоҳ Абдулла II ибн ал-Хусайнга Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган экспортбоп, халқаро стандартларга жавоб берадиган юқори сифатли маҳсулотлар намойиш этилди. Фармацевтика, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари, заргарлик ва бошқа соҳалардаги ишланмалар меҳмонда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон саноат салоҳияти юксак баҳоланди. Давлат раҳбарлари саноат кооперациясини кенгайтириш, технологиялар трансфери ва тажриба алмашувини йўлга қўйиш масалаларида ўзаро кизиқишлар мавжудлигини таъкидлашди. Шу билан бирга, Самарқанддаги музокаралар давомида сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва халқаро масалалар муҳокама қилиниб, қатор стратегик келишувларга эришилди.

Умуман олганда, дипломатик муносабатлар тарихидаги илк олий даражадаги ушбу ташриф икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни кенг қамровли стратегик шериклик даражасига кўтаришни мақсад қилган. Тарафлар ўзаро ислохотлар жараёнидаги ўхшашликларга эътибор қаратиб, келгусидаги ҳамкорлик учун мустаҳкам пойдевор яратди.

Жумладан, музокаралар доирасида икки давлат ўртасидаги савдо ҳажмининг бир неча баробар ошириш, кимё, тўқимачилик, фармацевтика, геология, «ақлли» қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувларга эришилди.


Жорий йил якунига қадар Ўзбекистон — Иордания ҳукуматлараро комиссияси ҳамда Ишбилармонлар кенгашининг илк йиғилишларини ўтказиш, шунингдек, бизнес-форум ташкил этиш таклиф қилинди. Бун-



Хусусан, Иордания Подшоҳининг «Ақаба жараёни» ташаббусини юксак баҳолаган Ўзбекистон Президенти унинг йиғилишларидан бирини Самарқандда ўтказишни таклиф қилди. Бу эса бағрикенглик ва маърифий ислом ғояларини тарғиб қилишда Ўзбекистоннинг роли тобора ортиб бораётганини тасдиқлайди.

Шу тариқа Президент Шавкат Мирзиёевнинг узоқни кўзлаган дипломатияси ва раҳбарлиги туфайли Ўзбекистон Иордания билан ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини шакллантириш, унинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш ва узоқ муддатли ҳамкорлик учун мустаҳкам замин яратиш йўлида муҳим қадам ташлади.

Пан ДАВЭЙ,
Шанхай Ижтимоий фанлар академиясининг Россия ва Марказий Осиё мамлакатларини ўрганиш маркази профессори (Хитой):



Ўзбекистон ва Иордания исломий цивилизациянинг муҳим марказлари сифатида халқаро майдонда ўзига хос ўрин эгаллайди. Тарихан Тошкент ислом илм-фани, маданияти ва таълимнинг йирик маркази бўлиб келган, бунинг яққол далили сифатида Абу Абдуллох Муҳаммад ал-Бухорий, Абу Абдуллох ал-Хоразмий, Ибн Сино каби буюк олимларнинг номларини келтириш мумкин.

Аммон эса, ўз навбатида, муқаддас жойларнинг ҳимоячиси ва диндорлар мулоқот маркази сифатида танилиб, анъаналар билан замонавий технологиялар ва иқтисодий тараққиётнинг уй-ғулгинини таъминлашда муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Икки давлат ҳам Яқин Шарқ ва Марказий Осиё минтақаларида барқарорлик ҳамда ривожланиш жараёниларини қўллаб-қувватлашда муҳим роль ўйнамоқда. Уларнинг сиёсий, маданий ва иқтисодий ҳамкорлиги минтақавий интеграция ҳамда ҳамжиҳатлики мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Ўзбекистон ва Иордания ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик жадал суръатларда ривожланмоқда. Иордания фармацевтика ҳамда кимё саноати, тўқимачилик, шунингдек, ўғитлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича кучли саноат салоҳиятига эга. Мамлакат фосфат ва калий захиралари билан машҳур бўлиб, уларнинг экспорти иқтисодиётда муҳим аҳамият касб этади.

Хитойда Иордания Подшоҳининг Ўзбекистонга илк расмий ташрифи тарихий воқеа сифатида қабул қилиниб, икки томонлама ҳамкорлик янги босқичга кўтарилгани юксак баҳоланмоқда. Икки давлат раҳбарлари иштирокида ўтказилган саноат кўргазмаси, инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича келишувлар, визасиз режимини жорий этиш, туризм ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир битимлар икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва сайёҳлик оқимини ошириш учун катта имкониятларни очяпти.

Қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик саноати, энергетика каби соҳалардаги ҳамкорлик алоҳида эътиборга лойиқ. Иордания компаниялари Ўзбекистондаги инфратузилма лойиҳаларида қатнашишга фаол қизиқиш билдирмоқда, бу эса мамлакат иқтисодиётини модернизация қилишининг янги истиқболларини очаяпти.

Макс СЭЙ,
«Kingsley Strategic Institute» таҳлил маркази ижрочи директори (Малайзия):
— Саммит ўтказиладиган жой сифатида қадимий Самарқанд танлашни ушбу тадбирнинг рамзийлигини таъкидлаб, икки давлатнинг мулоқотни чуқурлаштиришга интилишидан далолат беради.

Яқин Шарқнинг қўллаб-қувватлари Ўзбекистон

тон раҳбариятининг Фаластин масаласидаги конструктив позициясини, мамлакатнинг инсонпарварлик ташаббусларини, минтақада тинчлик ўрнатишга бўлган самимий истагини юксак қадрламоқда.

Анъанага кўра, Яқин Шарқ дипломатиясида муҳим роль ўйнайдиган Иордания Ўзбекистонни минтақавий можароларни адолатли ҳал этишга кўмаклашишда ишончли ҳамкор, деб билади. Тошкентнинг Фаластин халқини қўллаб-қувватлаш ва тинч йўл билан келишувга қақуриуви араб давлатлари пойтахтларида ўз жавобини топмоқда, бу эса Марказий Осиё ва Яқин Шарқ ўртасида минтақалараро ҳамкорлик учун янги имкониятлар яратмоқда.

Иордания Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга қатти қизиқиш билдирапти. Бу икки давлат савдо-саноат палаталари ўртасида ққинда имзоланган ўзаро англашув меморандуми билан ҳам тасдиқланди. Хар икки давлат бой тарихий меросга эга. Агар Ўзбекистон қадимда Буюк Ипак йўлининг маркази ва ислом цивилизацияси равнақ топган маскан бўлган бўлса, Иордания ЮНЕСКО рўйхатиға киритилган қадимий савдо йўллари ва археологик ёдгорликларнинг сақловчиси ҳисобланади. Ушбу тарихий мерос Ўзбекистон билан араб давлатлари, жумладан, Иордания ўртасидаги замонавий ҳамкорликни ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди.

Гўзель МАЙТДИНОВА,
Геосиёсий тадқиқотлар маркази директори, Россия — Тожикистон (славян) университети профессори:



— Иордания Подшоҳининг давлат ташрифи Ўзбекистоннинг 1925 йилдаги дипломатик тақвимидаги энг муҳим воқеалардан бири бўлди. Бу 1993 йил 15 февралда бошланган Ўзбекистон — Иордания муносабатларининг изчил ривожланишининг чўққиси ва икки давлат алоқаларини янада юқори босқичга кўтариш истагини ўзида акс эттирди.

Геосиёсий нуктаи назардан, ташриф Ўзбекистон учун Яқин Шарқдаги ва ислом оламидаги макенини мустаҳкамловчи қадам сифатида муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон — Иордания муносабатлари мустаҳкамлангани расмий Тошкент фаол равишда алоқаларни кенгайтираётган Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлики кенгаши мамлакатларига юборилган муҳим сигналдир. Иордания учун мазкур ташриф Марказий Осиёдаги сиёсий иштирокини кенгайтириш йўлидаги қадам бўлиб, бу Аммоннинг таъши сиёсий алоқаларни диверсификация қилиш курсига мос келади. Бутун Марказий Осиё учун эса ушбу ташриф «Марказий Осиё — Яқин Шарқ» мулоқотини ривожлантириш учун асосий мустаҳкамлади.

Ташриф давомида имзоланган муҳим ҳужжатлар тўплами мунтазам мулоқот, сиёсий-ҳуқуқий позицияларни мувофиқлаштириш, инвесторлар учун ҳуқуқий қафолатлар яратиш, янги савдо каналларини очиш, қишлоқ хўжалиги ҳамда логистика соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун институционал асос бўлаётир. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, Ўзбекистон — Иордания муносабатларини узоқ муддатли стратегик ривожлантиришга хизмат қилади.

Ташриф доирасида Ўзбекистон Президентини Иорданиянинг «Ан-Нахда» ордени билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Бу Иордания томонидан кўп қиррали шерикликни кенгайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларга ҳурмат ва эътирофдан далолат беради.

Ҳайлайманки, Иордания Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайннинг Ўзбекистонга ташрифи Марказий Осиё ва Яқин Шарқ ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги моделини шакллантиришда муҳим босқич бўлди, бунда Ўзбекистон ва Иордания қўллаб-қувватловчи бўгин сифатида ҳаракат қилиши мумкин.

«Дунё» АА.

ИСТИҚЛОЛ – ЮКСАК МАРРАЛАР, БУЮК МАҚСАДЛАР САРИ ИЛҲОМЛАНТИРУВЧИ КУЧ

Биргина мисол: сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг шахсан ташаббуси билан пахта яккахокимлигига бутунлай барҳам берилди, пахтачилик тармоғи тубдан қайта ташкил этилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга кластер тизими жорий қилингани қисқа муддатда бу соҳада ижобий натижаларга эришиш имконини берди. Даладан бошлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган тўлиқ жараён узлуksиз тизим асосида йўлга қўйилди.

Тўқимачилик саноати деярли нолдан қайта шакллантирилди. Бугун 6 мингдан зиёд мана шундай ишлаб чиқариш корхоналарида 570 мингдан ортиқ одамлар иш билан банд. Ишлаб чиқариш ҳаҳми эса бундан саккиз йил олдингига нисбатан 4,2 баравар ортиб, 8,2 млрд. долларга етди (эсингиздами, бундан ўн йил илгари биз пахта хомашёсини сотишдан жами бўлиб бир миллиардга етар-етмас даромад қилар эдик). Экспорт 3,1 млрд. долларни ташкил этди. Энг муҳими, бу ўзгаришлар минглаб одамларни иш билан муҳим таъминлаш имконини берди. Ўзбекистон эса тайёр маҳсулот сотувчи саноат мамлакатига айланди.

Биз биргина соҳадаги янгиланишларни иқтисодий манфаатдорлик нуқтаи назаридан таҳлил қилдик, холос. Бунинг ижтимоий аҳамияти ҳам кам эмас. Шу ўринда мажбурий меҳнатга қарши фаол кураш олиб борилгани, натижада ўқитувчилар, шифокорлар ва талабалар турли дала ишларига сафарбар қилинишига буткул чек қўйилганини айтиб ўтиш зарур.

Бундан туб ўзгаришларни бугун барча соҳалар мисолида келтириш мумкин. Албатта, буларнинг барчаси Президентимиз томонидан қўйилган Ўзбекистонни ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан чинакам мустақил, кучли ҳамда тенглар ичра тенг буюк давлатга айлантиришдек улувбор мақсад йўлида ташланаётган салмоқли одимлардир.

2016 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳаҳми жиҳатидан дунёдаги 195 давлат орасида 71-ўринни эгаллаган. 2024 йил якунларига кўра, ЯИМ 115 млрд. долларга етди ва Ўзбекистон глобал рўйхатда 62-ўринни эгаллади. Бу саккиз йилда иқтисодиёт реал ҳаҳми 1,6 баробар ўсганини кўрсатмоқда.

Турли низо ва зиддиятлар туфайли жаҳон иқтисодиёти гоҳат мураккаб даврни бошидан ўтказаяётган бир вақтда, прагматик ва проактив сиёсат туфайли бу йил биринчи ярим йилликда иқтисодиётимиз 7,2 фоиз ўсди.

Хусусий мулкка муносабатнинг тубдан ўзгаргани, унга кенг йўл очилгани иқтисодий ислохотлар натижадорлигини таъминлашда энг асосий омил бўлаётгани ҳам айни ҳақиқат. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилаётган катта эътибор натижасида сўнгги беш йилда кичик ва ўрта тадбиркорлар сони икки бараварга кўпайди. Иқтисодиёт ҳаҳмининг ярмидан кўпи, саноат маҳсулоти ва экспортнинг учдан бир қисми кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Дастлабки маълумотларга кўра, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида аҳолининг умумий даромадидаги тадбиркорлик улуши 57 фоизни ташкил этган. Албатта, бу рақамлар тадбиркорлик ривожига нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ҳаётимизга ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатишини яққол исботлаб турибди.

Яқинда Президентимиз, анъанага кўра, тадбиркорлар билан бешинчи марта учрашди. Анжуманда бизнесни “соя”дан чиқаришни рағбатлантириш, яқна тартибдаги тадбиркорларга ҳар томонлама кўмаклашиш, хусусан, ижобий натижаларга эришяётган тадбиркорлик субъектларига солиқ ҳамда боғжона имтиёзлари каби кўплаб янгилıklar эълон қилинди. Бир сўз билан айтганда, давлат ва бизнес ўртасидаги ўзаро ишонччи мустаҳкамлашга хизмат қилиб келаётган мулоқотларнинг бу галгиси ҳам ишбилармонларга маррани азда баланд олишлари учун янгича куч бағишлади.

Халқимиз манфаати учун айtilган ҳар бир гал тез фурсатда амал-

га кўчди, давлатимиз раҳбари “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан V очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонга ўша кунёқ имзо чекди. Унда яқин икки йилда тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш, зарур молиявий ва инфратузилмавий шароитлар, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда қулайлиқлар яратиш ва туризмин ривожлантириш, солиқ тўловчиларни рағбатлантириш каби йўналишларда муҳим чора-тадбирлар белгиланди.

Шу ўринда Фармонда назарда тутилган янги қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилишида парламент, хусусан, Сенат ҳам фаол иш олиб бормоқда.

Халқ билан мулоқот — фаолиятимизнинг асосий мезони

“**Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган — шу халқ. Барчамизга туз-насиба берган ҳам**

“**Сенат аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Сенат девони ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар ҳамда Президентимиз ташрифи давомида берилган вазифалар ижросини ўрганиб бормоқда. Ўрганишлар натижалари Сенат Кенгашининг ҳуудларда ўтказилаётган сайёр мажлисларида масъул вазирлик ва идоралар вакиллари, вилоят, туман раҳбарлари иштирокида бафуржа муҳокама қилиниб, уларнинг ҳар бири учун алоҳида “Йўл харитаси” ишлаб чиқилмоқда ҳамда ижроси мониторинг қилиб борилмақда.**

— **шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ. Шундай экан, биз биринчи навбатда ким билан мулоқот қилишимиз керак — одамларимиз билан. Ким билан бамаслаҳат иш тутишимиз керак — аввало халқимиз билан. Шунда халқимиз биздан рози бўлади. Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади”.**

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йилнинг 14 декабрида Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисида шу сўзларни айтганида барчамизнинг кўнглимиз равшан тортган эди. Ҳақиқатан ҳам, давлат раҳбари ишни халқ кўнглига йўл топишдан бошлади. Аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилиб, дардини эшитди. Одамларни қўйнаётган муаммоларни уйма-уй, хонадонма-хонадон кириб аниқлаш тизимини йўлга қўйди.

Узоқни кўзлаб белгиланган мақсад ва вазифаларнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-институционал асослари яратилди. Халқнинг оғирини енгил қилиш, одамларни ўйлантираётган, ташвишга солаётган масалаларни таҳлилда самарали ечиш, ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш ислохотларнинг бош мақсади этиб белгиланди.

Ҳа, бугун барча даражадаги раҳбарлар, жумладан, депутат ва сенаторлар бежиз қуйи бўғинга, маҳалла даражасига тушиб, аҳоли билан бевосита учрашиб, уларнинг муаммоларини жойида ҳал этишга уринишмаяпти.

Бундан ташқари, 2017 йил мамлакатимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”, деб эълон қилинди. Унинг дастурига ҳақ давлат органларига эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қилади, деган тамойил асос қилиб олинди.

Очиғи, узоқ йиллар давомида халқ билан раҳбарлар ўртасидаги мулоқотлар суствлашиб, қоғоз тўлдириш, жадваллар ясаб билангина шуғулланиадиган мутасаддилар кўп эди. Фуқаролар турли ташкилотлар ўртасида йиллаб сарсон бўларди, идоралар эшиги ёнида ойлаб вақт ўтказарди. Оқибатда давлат органлари билан халқ ўртасидаги масофа анчагина узоклашиб қолганди. Шунинг учун бепсандлик ҳолатларига мутлақо чек қўйилди.

Мамлакатимиз раҳбари ислохотларни инсон ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришдан, халқ билан давлат ўртасига ишонч кўпригини ўрнатишдан бошлади. Бугун ана шундай кенг кўламли ишларни амалга ошириш учун раҳбарлар кабинетларидан қичик, бевосита пастга, ма-

ҳалла даражасига тушиб ишламоқда. Энг муҳими, ҳар бир ходим меҳнаткаш халқ, оддий одамларга яқинлашиб, уларнинг кўнглидаги гапларини ўзидан эшитмоқда.

Айниқса, бу ўринда халқдан ишонч олган, унинг вакили бўлган депутат ва сенаторлардаги масъулиятнинг юки бошқаларга нисбатан залварлироқ бўлиши зарур. Шундай экан, элимиз берган бу рутбани сийлов деб эмас, катта масъулият билиб, бизни сайлаган юртдошларимиз ишончини, ҳурматини қозона олишимиз керак.

Янги Ўзбекистонда бошланган кенг кўламли ислохотлар парламент юқори палатасида ҳам ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Миллий парламент энг муҳим ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳаларга доир қарорлар қабул қилиш ҳамда уларнинг ижросини тўлақонли таъминлаш жараёнларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Шу маънода, Сенат асосий эътиборни ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини мониторинг қилиш, бево-

сида мустаҳкамланди. “Ижтимоий давлат” тушунчаси “Инсон қадр”и тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг туб негизида инсонни улуғлаш, халққа хизмат қилишдек олийжаноб мақсадлар ётади.

Ўтган қисқа даврда ижтимоий сиёсат йўналишида қабул қилинган қонунлар сони икки баробар кўпайди. Бу борада 1992 — 2016 йилларда 24 та қонун қабул қилинган бўлса, 2017 — 2024 йилларда бу кўрсаткич 44 тани ташкил этди. Давлат бюджетидан таълим ва тиббиёт соҳасига ажратилган маблағлар сезиларли даражада кўпайди. Айтайлик, 2016 йилда мактабгача таълим қамрови 27 фоиз бўлган. 2025 йилга келиб, бу рақам 76 фоизга етди. Олий таълимга қамров 9 фоиздан 42 фоизга етди.

Тарихимизда илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар микдори минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган даражага олиб чиқилди. 2017 йилда кам таъминланган 500 минг оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, бугунга келиб 2 миллиондан ортиқ оилаларга кўмак берилмоқда. Ажратилаётган маблағ эса 7 баробар кўпайтирилиб, йилга 11 трлн. сўмга етди.

Кам даромадли оилалар фарзандларини парвариш қилиш бўйича нафақалар қамрови кенгайтирилди, нафақа тайинлашда ҳисобга олинган болаларнинг ёши 14 дан 18 ёшгача оширилди, мазкур тўлов муддати 6 ойдан 12 ойгача ҳамда нафақа микдори ўртача 1,5 баробар кўпайди. 2022 йилдан бошлаб оиланинг ҳар бир аъзосига жами бир ойлик ўртача даромад минимал истеъмол харажатлари микдоридан ошмагандан оила кам таъминланган, деъ эътироф этилиши белгилаб қўйилди. Уларни аниқлаш ва манзилли ёрдам кўрсатиш мақсадида “Ижтимоий химоя ягона реестри” ахборот тизими жорий қилинди, кам таъминланган нафақа олувчи оилалар сони охириги уч йилда тўрт баробар ошиб, 1,9 миллионга етди.

Айнан Конституциямизга таянган ҳолда Ҳаракатлар стратегиясининг мантиқий давоми бўлган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси қабул қилинди. Тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган 100 та мақсад доирасида Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича кенг кўламли ислохотлар бошланди.

Айниқса, сўнгги саккиз йилда Янги Ўзбекистонни барпо этиш борасидаги кенг кўламли ислохотлар

“**Сўнгги йилларда миллий парламентимиз Парламентларо Иттифок, МДХ Парламентларо Ассамблеяси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси, Марказий Осиё давлатлари парламентлари форуми каби халқаро тузилмалар ишида фаол қатнашиб, долзарб минтақавий ҳамда глобал миқёсдаги масалаларга доир тақлиф ва ташаббусларни дадил илгари суриб келмоқда.**

самарасида ижтимоий-сиёсий манзара тубдан ўзгарди.

Рақамлар кесимида яна бир муҳим маълумотни келтириш ўринли, назаримизда. Юртимизда 2019 — 2024 йилларда 180 мингга яқин оилалар арзон уй-жой билан таъминланди. Аҳоли учун йўналтирилган ипотека кредити микдори 4 баробар оширилди. Кам таъминланган оилалар учун коммунал субсидиялар, ижтимоий ипотека механизмлари жорий этилди. Булар, албатта, қисқа вақт ичида эришилган қатор ютуқларнинг кичик мисоли, холос.

Камбағалликка қарши катта ислохотлар

Ҳаёт бор экан, янгиланишга эҳтиёж сезилаверади. Йилдан-йилга кўпроқ эътибор қаратилаётган йўналишлардан бири, шубҳасиз, ижтимоий соҳадаги ислохотлардир.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётдаги салмоқли ўзгаришлар ҳақида сўз юритганда, камбағаллик даражасини қисқартириш чора-тадбирлари ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз, албатта.

“**Менинг энг катта ниятим — мамлакатимизда камбағаллик ва ишсизликка бутунлай барҳам беришдир,** — деб ёзади Президентимиз “Ҳозирги замон ва янги Ўзбекистон” китобида. — **Шундай қунлар келишига ишончим комил ва бунинг учун бор куч ва имкониятларимни, борлигимни бағишлашга тайёрман”.**

Шу асосида кейинги йилларда юртимизда бу масалага ёндашув тубдан ўзгаргани, янги тизим яратилгани ва у доимий такомиллашиб бораётгани реал рақамларда кўриниб турибди.

2021 йилда аҳолининг 17 фоизи камбағаллик чизигидан пастда яшаган бўлса, 2023 йилга келиб бу кўрсаткич 11 фоизгача пасайган. 2024 йилда камбағаллик даражаси 8,9 фоизга тушиб, 719 минг киши камбағалликдан чиқарилган. 2025 йл якуни билан камбағалликни 6 фоизгача камайтириш мақсад қилинди. Хусусан, жорий йилда 5 млн. 200 минг кишини иш билан таъминлаш, 1,5 млн. фуқарони камбағалликдан чиқариш, 42 млрд. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этиш ва экспорт қийматини 30 млрд. доллардан юқorigа олиб чиқиш режалаштирилган.

Умумий қиймати қарийб 14 млрд. долларлик 8000 та лойиҳа амалга оширилиб, 272 мингта доимий иш ўрни очил ш мўлжалланган. Режага киритилган ушбу мақсадлар бўйича ҳозир жадал ҳаракатлар кетмоқда.

Камбағалликни қисқартириш мақсадида ижтимоий ёрдамнинг янги ва самарали механизмлари жорий этилди. “**Темир дафтар**”, “**аёллар дафтри**”, “**ёшлар дафтари**”, “**маҳаллабай ва хонадонбай ишлаш усуллари орқали ёрдам ва кўмакка муҳтож ҳар бир оила ва фуқаронинг, хотин-қизлар, ёшларнинг муаммолари ўз жойида аниқ ўрганилмоқда, улар вақтида ва самарали ҳал этилмоқда. Айтиш керакики, бу стратегик натижа бўлади, давлат идоралари халққа хизмат қилишда давом этишига ишонч мустаҳкамланади.**

Кескалар, ногиронлиги борлар, оғир аҳволга тушиб қолган инсонларни кўллаб-қувватлаш, уларга меҳр ва муруват кўрсатиш каби эзгу анъаналар амалий ҳаракатлар билан бойиди. “**Обод қишлоқ**”, “**Обод маҳалла**”, “**Беш муҳим ташаббус**”, “**Ҳар бир оила — тадбиркор**”, “**Ёшлар — келажагимиз**” каби дастурлар натижасида минг-минглаб одамларимизнинг руҳи кўтарилди, ҳаётга ишончи орт-

Янги Ўзбекистон дунёга юз тутмоқда

Очиқ ва прагматик, ташаббускор ташқи сиёсат Ўзбекистоннинг ўзига хос “ташриф қоғози”га айлангани хорижий давлатлар раҳбарлари ҳамда халқаро экспертлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг олий даражадаги ташрифларига эътибор қаратсақ, кўплаб муҳим жиҳатлар кўзга яққол ташланади. Келинг, халқаро майдондаги алоқаларимиз географиясига бир назар ташлаайлик: ҳозир ташқи сиёсатимиз доираси нафақат Марказий Осиё, МДХ ёки Осиёнинг етакчи мамлакатлари, балки Яқин ва Ўрта Шарқ, Европа йўналишларини ҳам қамраб олмақда. Бу ташқи иқтисодиётни сезиларли даражада диверсификация қилиш имконини беради.

Барча кўшни давлатлар билан ўзаро манфаатли муносабатлар тизими шакллангани, барча соҳалар кесимида ҳар бир қўшни мамлакат билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилганини айтмайсизми?! Қозғоситон, Тожикистон ва Озарбайжон билан иттифоқчилик муносабати ўрнатилди. Бу савй-ҳаракатлар, албатта, минтақада барқарор ривожланаётган макон яратиш сари ташланган муҳим ва дадил қадамдир.

Бугун Янги Ўзбекистоннинг дунёга очкилиги, шаффофлиги, прагматик ва конструктив руҳдаги сиёсати ўзига хос ижобий жиҳатлари билан намоён бўлмоқда. Халқаро сиёсий экспертлар фикрича, мамлакатимиз Марказий Осиё давлатлари билан бирга интеграциянинг янгиҳа руҳини кўрсата олди. Бунинг замирида кадрияти, менталитети ва дини ягона, тили бир-бирига яқин давлатларнинг интеграция сари умумий интилиши ётибди.

Давлатимиз раҳбари 2024 йил ташқи сиёсатда жуда қизгин, серқирра фаолият олиб борди. Хусусан, хорижий давлатларга амалга оширилган ташрифлари сони 17 тани ташкил этиб, 260 дан ортиқ икки ва кўп томонлама халқаро ҳужжатлар имзоланди. Юртимизда хорижий давлатлар раҳбарлари ва делегациялари билан 100 га яқин ўтказилган учрашувлар жаҳонга юз тутаётган мамлакатимизнинг мавқеи, дунё ҳамжамиятининг тобора қизиқиши ортиб бораётганидан далолат беради.

Бугунги кунда хорижий мамлакатлар билан муносабатларни янада ривожлантиришда, хусусан, Сенатнинг роли ҳам ортиб бормоқда. Бу айниқса, давлатлараро юқори даражада эришилган келишувларнинг ижроси устидан парламент назорати ўрнатилгани, уларнинг амалга оширилиши қонунчилик нуқтаи назаридан таъминланаётгани, шунингдек, ҳудудларга ҳамкорликнинг самарали йўлга қўйилганида кўзга ташланамоқда.

Сўнгги йилларда миллий парламентимиз Парламентларо Иттифок, МДХ Парламентларо Ассамблеяси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси, Марказий Осиё давлатлари парламентлари форуми каби халқаро тузилмалар ишида фаол қатнашиб, долзарб минтақавий ҳамда глобал миқёсдаги масалаларга доир тақлиф ва ташаббусларни дадил илгари суриб келмоқда.

Мана, шу йил апрель ойида Парламентларо Иттифоқнинг 150-ассамблеяси Тошкентда ўтказилганининг ўзи ҳам юртимизда амалга оширилаётган ва натижа бераётган кенг кўламли ислохотлар, демократик янгиланишларнинг халқаро миқёсдаги улкан эътирофи эканини таъкидлашни истардим. Бу парламентимиз жаҳон парламентаризми даражасида ўз овози ва муносиб ўрнига эгалитини, Ўзбекистоннинг глобал дунёда сиёсий вази ва мавқеи тобора ортиб бораётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Ҳа, бу йилги мустақиллик байрами ана шундай баланд марралар, катта натижалар ва буюк мақсадлар тантанаси сифатида ҳам кенг нишонланмоқда. Уларнинг таърифи ва тавсифини бир мақолага сиғдириш мушкул. Энг муҳими, бунга ҳар биримиз ҳаётимиз, турмушимиз мисолида кўрпямиз. Биз ана шундай улкан имкониятларга тўла, қадримиз баланд, қаддимиз тик даврда яшаямиз. Янги Ўзбекистонни барпо этишга киришилган тарихий янгиланиш жараёнларининг ҳар бир йили катта ютуқлар, беқиёс ўзгаришлар билан бошланаётгани ҳар биримизнинг кўнглимизни тоғдек кўтарди, албатта.

Сенат кўмитасида

ЭЛЧИЛАРНИНГ
ҲИСОБОТЛАРИ
ЭШИТИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитасининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, мута-
садди вазирилик ва идора-
лар ҳамда вилоятлар ҳоким-
лиги раҳбарлари, шунинг-
дек, халқ депутатлари ма-
ҳаллий Кенгашларнинг до-
имий комиссиялари раисла-
ри, Ёшлар парламенти
аъзолари, Ўзбекистон экс-
портчилар уюшмаси вакил-
лари, экспертлар ҳамда
оммавий ахборот воситала-
ри ходимлари иштирок этди.
Сенаторлар томонидан
Ўзбекистоннинг Туркия ва
Австриядаги дипломатик
ваколатхоналари раҳбарла-
рининг давлатлараро муно-
сабатларни ривожланти-
риш, инвестицияларни жалб
қилиш, миллий маҳсулотлар
экспортини ошириш, хори-
жий туристларни жалб
этиш, олий ва юқори дара-
жадаги таширфлар доира-
сида қабул қилинган "йўл
хариталари"ни ижро этиш
тўғрисидаги ҳисоботлари
эшитилди.

Мажлисида давлат раҳбари
томонидан ташқи сиёсати-
мизнинг асосий мақсади —
мамлакатимизга хорижий
инвестицияларни жалб
қилиш, миллий маҳсулотла-
римизнинг жаҳон бозорида-
ги улушини ошириш ва
Ўзбекистоннинг халқаро
имижини мустаҳкамлаш
эканига яна бир бор урғу
берилди.

Ўзбекистоннинг Туркия
ва Австриядаги дипломатик
ваколатхоналари томонидан
2024-2025 йилларда савдо-
иқтисодий, инвестиция,
экспорт, логистика, транс-
порт, қишлоқ хўжалиги,
илм-фан, маданият, туризм
ва ташқи миграция каби му-
ҳим соҳаларда алоқаларни
янада кенгайтириш ҳамда
тегишли "йўл хариталари"-
да белгиланган вазифалар
ижросини таъминлаш бўйи-
ча амалга оширилган иш-
лари атрофида муҳокама
қилинди.

СЕНАТОРЛАР ВА
ЁШ ОЛИМЛАР УЧРАШУВИ

Кеча Олий Мажлис Сенати биносидида мустақилли-
гимизнинг 34 йиллик байрами арафасида сенатор-
лар ва ёш олимлар иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

Мулоқот

Тадбирда Сенатнинг
Ёшлар, хотин-қизлар, мада-
ният ва спорт масалалари
кўмитаси раиси Орзигул
Қозихонова, сенатор Мали-
ка Қодирхонова, Ёшлар
парламенти аъзолари ва Ёш
олимлар кенгаши вакилла-
ри қатнашди.

Учрашувда Президент-
миз раҳбарлигида Янги
Ўзбекистоннинг тарақиёт
стратегияси доирасида
олиб борилаётган ислохот-
ларнинг мазмун-моҳияти,
эришилган натижалар ва
истикболдаги вазифалар
юзасидан фикр алмашилди.

Хусусан, қонунчиликни
такомиллаштириш, ҳудуд-

ларни ижтимоий-иқтисодий
ривожлантириш, камбағал-
ликни қисқартириш ва
аҳолининг ижтимоий ҳи-
мояга муҳтож қатламлари-
ни қўллаб-қувватлаш бўйи-
ча амалий ишлар олиб бо-
рилгани таъкидлаб ўтилди.
Шунингдек, сенаторлар
томонидан халқаро пар-
ламентлараро ҳамкорлиқни
мустаҳкамлаш борасида
олиб борилаётган ишлар,
мамлакатимизда ёшларга
яратилаётган шароит ва им-
кониятлар ҳақида атрофли-
ча маълумот берилди.

Учрашув сўнгига ишти-
рокчилар Сенат биноси ва
унинг фаолияти билан яқин-
дан танишди.

«Халқ сўзи».

УСТОЗЛАР ҲАҚҚИ

Президентимизнинг "Ўзбекистонда илм-фан, адабиёт, маданият ва санъат соҳаларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган бир гуруҳ марҳум олим ва ижодкорларни муқофотлаш тўғрисида"ги Фармони юртимизда инсон қадрини улуғлаш сиёсатининг кўлами нақадар кенглигини ифода этади. Чунки Шавкат Миромонович "Халқ бахтли бўлиши учун нима керак? Одамлар кайфиятини ижобий томонга қандай ўзгартириш мумкин?" деган саволларга узоқ йиллик раҳбарлик тажрибасидан жавоб топа олган ва уни ҳаётга татбиқ қилиб келаётган халқпарвар давлат ва сиёсат арбобидир.

Муносабат

Марҳумларнинг муқофотлани-
шида уларни ёд этиш, хотира-
сига ҳурмат кўрсатиш ва номи-
ни абадийлаштириш қаторида
яна бир эзгу мақсад назарда ту-
тилган. Бу, аввалда, ўша соҳага
давлат эътибори, соҳа вакилла-
рига бўлган ишонч изҳоридир.
Ҳар бир шоғирд устозининг
ютугидан қувонади. Илм-фан,
адабиёт, маданият ва санъат
соҳалари дарғаларини тақдир-
лаш орқали олимлар, адиблар,
санъаткорларга, бугунги тилда
айтганда, мотивация берилди.
Қолаверса, санъатсевар, шеър-
севар халқимиз сеvimли шоир
хонандаларининг пок номига
эҳтиром кўрсатилганидан қувон-
ди, байрам кайфияти ўн қарра
кўтарилди, дейиш мумкин.

Тақдирланганлар рўйхатига
қарасак, соҳалар турфа хилли-
гини қўриб ҳайратга тушамиз.
Унда кибернетика мутахассиси-
дан театр режиссёригача, халқ
шоиридан геолог академикча,
эл суйган санъаткордан қўли эн-
гил шифокоргача бўлган фи-
дойилар ўрин олган. Фармонда
қайд этилган исталган бир
исмга бармоқингизни олиб
боринг, албатта, у одам ҳаёти
ва фаолиятига назар ташлаб,
адолат билан танланганига
икрор бўласиз.

Бугун давлатимиз раҳбари-
нинг бевосита ташаббуслари ва
раҳнамолигида мамлакатимизда
жаҳидлар ҳаётини ўрганиш ва
уларнинг бой меросини халқи-
мизга қайтариш ишлари жадал
қўшган бўлиши билан ўтиб кетди.
Бу миллионларча мухлислари
навбатда, Беғали Қосимовнинг

китобларига мурожаат қилади.
Заҳматкаш олимнинг саъй-ҳара-
катлари билан мустақилликнинг
илк йилларида Ўзбекистон Мил-
лий университетида Миллий
уйғониш даври ўзбек адабиёти
кафедраси ташкил этилди, ало-
ҳида дарслик яратилди. Олим бу
ишларни ҳеч қандай топшириқ
бўлмаса ҳам, бетама амалга
оширди. Кўп йиллар жадид-
шунослик бўйича фундаментал
тадқиқотлар олиб борди. Афсус-
ки, ўзи ҳам жадидона қарашга
эга бўлган Беғали Қосимовнинг
қадрига етмадик, меҳнатларини
ўз вақтида муносиб эътироф эта
олмадик. Юқоридаги Фармонга
мувофиқ фан арбоби орден би-
лан тақдирланиши нимадан
сабоқ беради? Инсон астойдил
меҳнат қилса, Ватан равнақи ва
илм-фан ривожига ҳисса қўшса,
меҳнати, албатта, қадр топиши-
ни англатади.

Дунёда ўзбек тилида сўзла-
шадиган, уни тушунадиган одам
борки, Охунжон Мадалиев
қўшиқларини эшитиб, завқлан-
гани аниқ. Унинг ижоди аллақач-
он элимиз юрагидан чуқур жой
олган, халқ қўшиқлари қатори-
да оғизга тушиб, кундалик ҳаёт-
га сингиб кетган. Инсон — кай-
фият асир, у ҳар қандай ҳолат-
да ҳам руҳиятида санъатга эҳти-
ёж сезади. Охунжон ака ижоди-
да халқнинг бутун дарду қувон-
чи асқ этган эди. Таассуфки, ал-
лақачон халқ артистига айлан-
ган санъаткор бу дунёдан "Ўзе-
бистонда хизмат кўрсатган ар-
тист" унвони билан ўтиб кетди.
Бу миллионларча мухлислари
қалбининг бир четидаги кемтик

спектакллари санъатимиз олтин
фондини беэаб турибди. Шу-
нингдек, Баҳодир устоз ўз ис-
теъдодини Ўзбекистон ва халқ-
аро миқёсда ўтказилган Амир
Темур, Мирзо Улуғбек юбилей-
лари, "Шарқ тароналари" фес-
тивали ҳамда халқ байрам-
сайилларига ҳам йўналтирди.
Мазкур Фармонда эса санъат-
нинг халқлар дўстлиги ва халқаро
миқёсдаги обрўси инобатга оли-
ниб, "Дўстлик" ордени берил-
гани муносиб тўхфа бўлди.

Муқофот соҳибларининг ҳар
бири ҳақида саҳифа-саҳифа таъ-
риф ёзиш мумкин. Алибек Рус-
таниннинг совет қамчисидан
қон томиб турган вақтда ўзбек
тили ва Навоий ижоди ҳақида
халис тадқиқотлар олиб борган-
ини, Қуддус Муҳаммадий ада-
биётимизда самимийлик тимсо-
ли бўлиб қолганини, Римма
Аҳмедованинг ўктам ва тиниқ
овози дунё саҳна ҳамда экран-
ларини забт этганини, Восил
Қобуловнинг кибернетика бўйи-
ча собиқ иттифокда ягона мар-
казни Тошкентда очганини уну-
тиб бўладими?

Ижодкор сифатида устоз шо-
ирларимизнинг юксак муқофот-
ларга лойиқ қўрилгани ўзгача
ифтихор бағишлагани бор гап.
Ўзбекистон халқ шоири Рауф
Парфий ҳақида алоҳида тўхталиб
ўтмоқчиман. Устоз хокисорлик,
дарвешлик тилсоли эди. Ўз дав-
рида шоир ижоди юракларни
титратган, ҳақиқат қуйчиси си-
фатида эътироф топган эди.
Шоир ҳаёт бўлганида бугунги

Хулоса нима? Зиёлиларга берилаётган бу қадар юксак
эътибор замирида жадид боболаримизнинг "Тилда, фикрда,
ишда бирлик!" деган ўлмас шоири, бугунги навқирон авлодга
ибратли ишора, келажак тақдир кимларга боғлиқ эканининг
ёрқин ифодаси ётибди. Зеро, Ибрат домла замона ахлига ўзи
савол қўйиб, ўзи жавоб берган эди: "Фуқаро қачон ислох бўлур
(тўғри йўлга тушади)? Қачонки, уламо (яъни, зиёлилар) ўзини
ислох этса..."

адолатпарвар сиёсат жабҳаси-
да, албатта, ўз ўрнини топган
бўларди. Айниқса, туркий дунё-
нинг дўстлик ва ҳамкорлигини
кўрганда армонлари ушалгани-
дан, бошига ёғилган маломат-
лар ариганидан "балки устоз
Ойбекдек тўлиб янги бир дос-
тон ёзар эди".

Устозим Анвар Обиджон тақ-
дирланганини ўқишим билан
ўпкам тўлиб, ўғли Баҳромга
кўнғироқ қилиб, табрикладим.
Унинг овозида ҳам йиғи товла-
ниб турарди. Бу ҳаётда "Отанг
яхши одам эди. Отангга
раҳмат!" дегандан ортиқ
мақтов йўқ фарзанд учун. Шу
маънода, шоир оиласидаги,
мухлислар ва шоғирдлар
кўнғилидаги сурурни ўзингиз
тасаввур қилаверинг.

Ростини айтиш керак, бугун-
ги омон-омон замонда Тўхтасин
Жалолов номини нафақат халқи-
миз, балки ижодкорларнинг
ўзи ҳам унутмаётган эди. Бу
олимнинг қатор хизматларини
эмас, биргина ишини айтсак
ҳам бутун маҳобати билан на-
моён бўлади. У икки жилди
"Ўзбек шоирлари" тўпламини
тайёрлаб, дунёга ўзбек халқи
бутун бошли аёл ижодкорлар
сингиласига эғлагини исбот
этди. Бу ҳам бўлди Президенти-
мизнинг нақадар синчковлиги-
дан, адабиёт ва санъатга бўлак-
ча меҳридан далолат.

Фармонни ўқиб шундай ман-
зара кўз олдимда гавдаланди:
бу йилги тақдирлашда энг кам-
тар, энг камсўқум, энг заҳмат-
каш, энг фидойи номзодлар са-
раланибди. Бу нимадан дарак
беради? Бу Юртбошимиз феъ-
лидаги адолат устуворлиги,
Худо берган ҳақиқатгўйликнинг
ёрқин кўринишидир.

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири.

Танлов



ИЖОДИЙ МАҲОРАТ ЭЪТИРОФИ

Истиқлол байрами арафа-
сида ҳар йили анъанавий
тарзда ўтказилиб келинаётган
"Энг улуг, энг азиз" кўрик-тан-
ловининг нуфузи баланд, унда
ғолибликни қўлга киритиш,
том маънода, ижод майдони-
да юксак эътироф рамзига
айланиб улғурди.

Пойтахтимизда мамлакат-
миз мустақиллигининг 34 йил-
лик байрами муносабати бил-
лан "Ватан учун, миллат учун,
халқ учун!" бош ғояси асоси-
да ташкил этилган "Энг улуг,
энг азиз" кўрик-танловининг
республика босқичи ғолибла-
рини тақдирлаш маросимида
бу алоҳида таъкидланди. Унда
журналистлар, шоир ва ёзув-
чилар, ижод ахли, кенг жамо-
атчилик вакиллари қатнашди.

Тадбир аввалида танлов
натижалари ҳақида маълумот
берилди. Қайд этилишича, бу
йилги танловнинг республика
босқичига 7 номинация бўйи-
ча 366 нафар ижодкор — жур-
налистлар, ёзувчи ва шоир-
лар, кино ҳамда тасовири
санъат, фото ва дизайн йўна-
лишидаги ижодкорлардан

1 минг 900 дан зиёд ижодий
ишлари тақдим қилинган.

Ҳакамлар ҳайъати аъзола-
ри уларни баҳолашда мавзу-
нинг долзарблиги, Янги Ўзе-
бистон ғоясининг ифода то-
гани, таҳлилилик, асарнинг
бадий қиммати, мустақиллик
ғоясининг акс этиши ҳамда
талқиннинг ўзига хослиги каби
мезонларга алоҳида эътибор
қаратди.

Тадбир якунида ғолиб ва
совриндорларга диплом
ва сертификатлар топширил-
ди. Санъаткорлар ижросида-
ги концерт дастури қатнаш-
чиларга янада қўлимчи руҳ
ва кайфият бағишланди.

Табриклаймиз!

Қувонарлиси шуки, ғолиблар орасида ҳамкасбимиз
Нуруллоҳ Остонов ҳам бор. У танловда мамлакатимизда
амалга оширилаётган ислохотлар, ижтимоий-иқтисодий,
маънавий-маърифий соҳалардаги ижобий ўзгаришлар
ҳақида эълон қилинган долзарб публицистик мақолалар
учун "Босма ОАВ ходимларининг энг яхши журналистик
ишлари" номинацияси бўйича 2-ўринга сазовор бўлди.
Ҳамкасбимизни ушбу муваффақият билан қутлаб, кейинги
ижодий фаолиятида омад ёр бўлишини тилаймиз.

«Халқ сўзи».



Грецияда ўтказилган Халқаро иқтисодиёт олимпиадасида Ўзбекистон жамоаси олтин медални қўлга киритди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 10 709 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар жамоаси университетнинг Иқтисодиёт кафедраси собиқ доценти Мадина САИДОВА нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия исҳор қилади.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Касаба уюшма кўмитаси университетнинг рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари факультети декани, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент Нодир Акбаровга онаси Мавлада АКБАРОВА нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик исҳор этади.
---	--

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.55 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5 6